



2006 йил 31 августдан  
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета



[www.bong.uz](http://www.bong.uz)

@jamiyatgzt@mail.ru



[t.me/bonguz1](https://t.me/bonguz1)

Истиқлол қадри

## “У КУНЛАР ЭРТАК БЎЛИБ ҚОЛСИН!”

ёхуд истиқлол ғойбдан келган эмас



**Мамлакатимиз 1991 йил 31 августда ўз мустақиллигини эълон қилиб, тарихий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Миллий хавфсизликнинг энг муҳим шарт – мустақиллик бўлиб, унга эришмасдан инсон, жамият ва давлатнинг ҳаётий манфаатларини рўёбга чиқариб бўлмайди. Чунки, фақат мустақил давлатгина реал шароитларга мос келадиган даражадаги миллий хавфсизликни таъминлаши мумкин.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йилнинг 16 ноябрь куни Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашувдаги нутқида мустақилликнинг бекиёс аҳамияти ҳақидаги куйидаги фикрлари юксак эътиборга лойиқ: “Агар ҳар бир халқ, ҳар бир давлат мустақил бўлмаса, бошқалар унинг нафақат деҳқонини, нафақат ишчисини, ҳаттоки шоиру олимини ҳам, давлат арбобини ҳам истаганча таҳқирлаши, инсоний шаънини тупроққа қориши мумкин экан”.

Чиндан ҳам, бир ҳақиқатни барчамиз тан олишимиз керак. Бугунги кунда нафақат ёшларимиз, айти пайтда, ёши улуғ юртдошларимизнинг ҳам аксарияти яқин тарихимиз ҳақида тўлақонли тасаввурга эга эмас. Собиқ Марказдаги империя-параст кучлар, мустабид тузумнинг шафқатсиз қатагон аппарати Ўзбекистон ва унинг янги раҳбарига нисбатан турли зуғум ва тазйиқларни тинимсиз кучайтириб борган. Айниқса, “пахта иши”, “ўзбеклар иши” деган сиёсий кампаниялар пайтида қизил империянинг марказий матбуоти эл-юртимиз шаънини таҳқирлаб, унинг бошига “қўшиб ёзиш”, “юлғичлик”, “кўзбўямачилик”, “боқимандалик” каби тухмат ва маломатлар бўронини ёғдирган.

Ўтган асрнинг 80-йилларида Иттифоқда маънавий-сиёсий вазият издан чиққан эди. 1986 йилга келиб Горбачёвча ошқоралик, қайта куриш совет тузумининг умумий ижтимоий танглигини кучайтириши оқибатида пайдо бўлган баҳайбат гирдоб 1986–1991 йилларда Ўзбекистонни ҳам ўз домига тортди.

Бу танглик иқтисодиётда айниқса сезиларли тарзда намоён бўлди

ва мамлакат аҳолисининг кўпчилик қисмини ижтимоий фалокат ёқасига келтириб қўйган эди. Совет жамиятининг ташкилий негизлари – режалилик, яхлит ва марказлашган бошқарув асосларининг барбод этилиши – тангликни келтириб чиқарган эди. Халқнинг ижтимоий ҳолатидаги бетайинлик ҳаддан зиёд кучайди, уларнинг жуда оз бўлса-да эҳтиёжларини қондириш кафолатлари кескин бўшашиб кетган эди. Меҳнатга ҳақ тўлаш ва зарур ҳаётий неъматларни тақсимлаш коидалари кўпол равишда бузилди.

Марказ томонидан жазава билан кетма-кет ўтказилган сиёсий ўзгаришлар оқибатида партия-давлат юқори табақаси ва умуман ҳокимиятнинг фалажлиги кучайди. Зарур анъаналар ҳам, демократия ва унинг маданияти мавжуд бўлмаган шароитда Горбачёв томонидан эълон қилинган ошқоралик сиёсати ҳаммани ва барча ишни олатасир танқид қилаверишга, тарихга тупуришга, воқеликка қора чаплашга олиб келди. Бундай вазият “гдлянчилар”га жуда қўл келган эди. Сўнгра номенклатура ҳокимиятига путур етказувчи муқобил номзодлар кўрсатиш ва мутлақо сайланиши керак бўлмаган лавозимларга сайлов ўтказиш бошланиб кетди. Коррупция кучайиб, ҳамма жойда қонунчилик бузила бошлади.

Жамиятнинг ҳокимиятга ишонмай қўйиши оқибатида даҳшатли жиноятчилик келиб чиқди. Оғир жиноятчилик ва унинг уюшган шакллари шунчаки ўсибгина қолмай, бундай жиноятчилик миқёси давлат назоратидан чиқиб кетган эди. Зўравонлик ижтимоий муаммо-

ларни ҳал этиш, ижтимоий низоларни бартараф этишнинг тобора кенг тарқалган воситасига айлана борди.

Ҳаттоки, иттифоқда юритилаётган сиёсат ҳам қонун назоратидан чиқиб кетган эди. Натижада фуқаролар итоатсизлиги, одамларга нисбатан тўғридан-тўғри зўравонлик хуржлари, норозилик намойишлари ва митинглари, иш ташлашлар деярли кундалик ҳодисага айланган эди.

Қароқчиликлар, босқинчиликлар, ўғирликлар, талон-торождар жиноятчилик умумий миқдорининг учдан икки қисмига етди, уларнинг ўсиш суръатлари 60–75 фоиздан ошиб кетди. Москвада, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, вилоят марказларида ва бошқа катта шаҳарларда бу суръат, айниқса, юқори бўлган. Ғаразли мақсад билан содир этилган қотилликлар оддий бир ҳол бўлиб қолди. Ичкиликбозлик янада ортиб бориши билан бирга шу ҳол билан боғлиқ жиноятчилик ҳам тобора кўпайди.

1989 йилда балоғатга етмаганлар содир этган жиноятлар 21 фоиз кўпайган, 17 ёшлилар ўртасидаги жиноятчилик даражаси 30 ёшдан ошганлар ўртасидаги жиноятчилик даражасидан 4 барабар юқори бўлган.

1988-1989 йилларда жиноятчиларнинг тажовузкорлиги ва шафқатсизлиги, уларнинг ҳуқуқ-тартибот кучларига қаршилиқ кўрсатиши кучайган эди. 1989 йилнинг тўққиз ойи ичида жиноятларнинг пайини қирқаш ва жамоат тартибини сақлаш чоғида иттифоқ ички ишлар вазирлигининг 146 ходими ҳалок бўлган ва 905 ходими жароҳатланган. Вазият кескин чигаллашган. Ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларида уч ва ундан кўп марта судланган 310 миң жиноятчи сақланган. Бу дегани собиқ Иттифоқда тақрорий жиноятчилик кескинлашиб, жиноятчилик касбга айланиб бораётганлигидан далолат эди. Кўпгина шахсларнинг жиноятчилик фаолияти асосий кун кечириш манбаига айланиб бораётганлиги жамиятни қаттиқ ташвишга солган эди. Устига-устак, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида зидди-

ятлар кескинлашганлиги, ахлоқий таназзул, қонунларнинг номукамаллиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги жиддий нуқсонлар боис жиноятчилик кўпайиб кетган эди. Жамиятда жинорий тузилмалар пайдо бўлдики, улар текинхўрлик ҳисобига кун кечиришни оддий ҳолга айлантириб олган эди.

Айни ана шундай қалтис бир шароитда ўша даврдаги бўш-баёв, сиёсий иродадан маҳрум, ўз халқининг ор-номуси ва кадр-кимматини ҳимоя қилишга қодир бўлмаган кишиларнинг Ўзбекистон компартияси ва республика раҳбариятига келиб қолиши ҳамда уларнинг кадрлар масаласида марказдан ёрдам сўрагач, кейинчалик, “десантчилар” деб ном олган Ўзбекистоннинг шарт-шароитини, халқимизнинг менталитетини мутлақо билмайдиган, маҳаллий аҳолига менсимай қарайдиган шахслар турли ўлкалардан келиб масъул раҳбар лавозимларига тайинлаш амалиётини авжига чиқарган эди.

Натижада юртимизга юборилган, халқимиз ўртасида “десантчилар” деб ном олган гуруҳлар томонидан эл-юртимиз бошига тухмат ва бўҳтонлар ёғдирилган, одамларининг инсоний ҳақ-ҳуқуқи, шаъни ва ғурури аёвсиз оёқ ости қилинган эди.

Пахта билан боғлиқ қонунсизлик ва хўрлашлар, қўшиб ёзишларни ташкил этган шахслар билан бир қаторда минглаб оддий ижрочиларга қарши ялпи жазолашларнинг авж олдирилишига олиб келган эди. Уларнинг аксарияти ўзларининг омон қолишларини ўйлаб ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жумладан Гдлян ва Иванов гуруҳи йўл қўйган қонунсизлик ва қонун бузилишларини пайқамасликка обдан уринган эдилар.

Ҳибсга олинган ҳар бир одамнинг ортида эса 20–30 тадан оила аъзолари, қариндош-уруғлари, бирга ишлаган кишилар туну кун сўроқ бериб, маъмурий идораларнинг эшигида сарсон бўлиб юрганини ўзбек халқи ҳеч қачон унутмайди.

(Давоми 4-5-саҳифаларда)





## “СОЯДА” ИШЛАШ ВАҚТИ ЎТДИ

**Сохибқирон Амир Темур бобомизнинг: “Азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир”, деган сўзлари юртимизда тадбиркорнинг мавқеини азалдан юқори бўлганидан далолат беради. Чунки бу соҳа вакиллариغا барча замонларда мамлакат таянчи, халқ фаровонлигини таъминловчи куч сифатида қаралган. Ишнинг кўзини билганлар доимо кадрланган, уларга зарур шарт-шароит яратиш чоралари кўрилган.**

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнесни ривожлантириш Янги Ўзбекистон сиёсатининг энг устувор йўналишига айланган бежиз эмас. Бугун ушбу соҳа мамлакатимиз иқтисодиётининг қон томирига айланди ва уни ривожлантиришга халақит бераётган барча тўсиқлар олиб ташланмоқда. Тадбиркорларни ҳақиқий маънода ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояловчи қонунчилик механизмлари шакллантирилди. Солиқ, божхона, логистика билан боғлиқ қўллаб-қувватловчи чоралар берилди.

Президентимизнинг 2022 йил 13 сентябрдаги “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказишни мувофиқлаштириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори тадбиркорлар фаолиятида асоссиз текширувларнинг олдини олиш, назорат қилувчи органлар масъулиятини ошириш ҳамда текширув-

ларнинг очиклигини таъминлашда дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Энг асосийси, тадбиркорларнинг тинкасани қуритган ноқонуний текширишларга барҳам берилди. Яъни, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат органлари томонидан асоссиз аралашувларнинг олдини олиш, назорат қилувчи органларнинг масъулиятини ошириш ва фаолияти очиклигини таъминлаш йўналишида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада 2023 йилнинг ўтган 7 охи давомида тадбиркорлар фаолиятида ўтказилган текширувлар сони 63,1 мингтани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 39 фоизга қисқарди. Текшириш тартибини бузган назорат органларининг 918 нафар мансабдор шахслари маъмурий жавобгарликка тортилди. 69 нафарига интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 18 август куни мамлакатимиз тад-

биркорлари билан очик мулоқотида ҳам жорий йилнинг олти ойида текширишлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 40 фоиз камайгани, бунинг натижасида тадбиркорларимиз тўғри ишлаш “сояда” ишлашдан кўра афзал эканини тушуниб етаётгани тилга олинди.

Юртимизда бизнесни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли ўтган бир йилда кичик тадбиркорлар сони 40 мингтага кўпайиб, 490 мингта, ўрта тадбиркорлар сони 2 мингтага ортиб, 10 мингта етди. Йирик корхоналар сони эса бир йилда 400 тага кўпайиб, 1,5 мингта бўлди. Берилган енгилликлардан фойдаланиб, бир йилда 155 та корхонанинг йиллик айланмаси 100 миллион доллардан ошди. Қиритилган йиллик хорижий сармоялар ҳажми эса илк бор 10 миллиард долларга етди. Бу 2017 йилга нисбатан 3 баробар кўп демакдир.

Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилларда атиги 31 фоизга етган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич қарийб 55 фоизни ташкил қилди. Иш билан банд бўлган аҳолининг аксарият қисми шу соҳада хизмат қилмоқда ва бугунги кунда яратилаётган янги иш ўринларининг 90 фоизи ҳам айнан кичик бизнес ҳиссасига тўғри келади.

Ушбу йўналишда дунёдаги ўрнимиз ҳам йил сайин яхшиланмоқда. Мамлакатимиз кейинги йилларда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг яхши натижаларга эришган дунёдаги ўнта давлатдан бири сифатида эътироф этилмоқда.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида кейинги етти йилда иқтисодиёт ҳажмини икки баробар ошириш ва “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш бўйича устувор вазифалар белгиланган. Хусусан, ЯИМ ҳажмини 160 миллиард долларга ва аҳоли жон бошига даромадларни 4 минг долларга етказишдек жуда катта марра олинди. Албатта, бу улкан мақсадга эришиш йўлида аниқ ҳисоб-китоблар, реал имкониятлар бор ва бунда шубҳасиз тадбиркорлар, бизнес вакиллари-нинг ўрни муҳим бўлади.

Албатта, мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигига хизмат қиладиган бундай хайрли ташаббуслар, аввало, юртимизда инсон кадрини улуглашдек улугвор ғоя ҳаётининг таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Қонунчиликка масъул бўлган биз депутатлар эса белгиланган вазифалар ижросини сўзсиз бажарилишини назорат қилишга масъул эканимизни асло унутмаслигимиз лозим.

**Жамшид ҚОСИМОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик**  
**палатаси депутати**

### Инсон ва табиат

## Ёнғоқ мўъжизаси

**Арслонбобда кечқурун анча салқин бўларкан. Бомдоддан кейин ҳаво жуда тоза, кислород мўллиги туфайли намоздан сўнг яна уч соат мириқиб ухлабмиз. Анчадан бери бунақа маза қилиб ухламагандим.**

қизиғи, ҳатто шу жойда ҳам “Анжан марожний” сотиляпти. Сал юқорироқка чиқилса, адирнинг бошига етилади. Шу ердан бутун Арслонбоб панорамаси қафтдек намоен бўлади. Тўғримизда мағрур Бобош ота чўққиси, қишлоқда уйлардан кўра дарахтлар кўпроқ кўзга ташланади. Чап тарафдаги адирда эса қуюқ ёнғоқзорлар – бирон бўш жой кўринмайди.

Ўртадаги арғимчоқда қирғиз эжелар лапарлар айтиб ҳайинчак учинмоқда. Арғимчоқ қарийб 15 метр юқорига, бобо ёнғоқнинг шохига кўрнатилган. Сал нарироқда 20 метрлик арғимчоқ бўлиб, машина аккумулятори орқали юқорига чиқарилиб, қўйиб юборишаркан – яхшигина адреналин. Нархи 50 сўм (0,57 доллар). Биз сал тепароқдаги бепул ҳайинчакда учдик. Анчадан бери бунақа завқни тотмагандим. Кейин ўрмонни айландик.

Арслонбоб водийсидаги ёнғоқзорлар асосан Арслонбоб ва Қизил Ункур қишлоқлари ҳудудида жойлашган. Ўрмонда баландлиги 30 метрдан ошадиган ёнғоқларни ҳам кўрдик. Жами майдони 600000 гектардан ошадиган ушбу ўрмон ду-

недаги энг катта ёнғоқзор дея эътироф этилган.

Ривоятларга кўра, Александр Македонский ўз юришларида Арслонбобга келиб, ёнғоқзорларга мафтун бўлган ва уни Македонияга олиб бориб кўпайтирган. Шу сабаб ёнғоқнинг номи “грек ёнғоғи” деб атала бошланган. Ботаникларнинг аниқлашича, айрим дарахтларнинг ёши 1000 йилдан ошади. Арслонбоб ёнғоқзорларида мўйнали ҳайвонлар, жумладан, Шимолий Америка еноти иқлимлаштирилган.

Ўрмондаги дарахтлар давлат ҳимоясига олинган. Уларни кесиш қатъиян тақиқланади. Дарҳақиқат, сафар давомида биронта кесилган дарахтни кўрмадик. Ёнғоқзорлар маҳаллий аҳолига бўлиб берилган. Ҳосилнинг маълум қисми давлатга топширилади, маълум қисми аҳолининг ўзида қолади. Айрим дарахтлар 200-300 килограммгача ёнғоқ беради. Ҳайдовчимиз Нурбекка 1 гектарлик боғ теккан экан. “5 килосини давлатга топшираман, қолгани ўзимники, ўтган йили ҳосил кам бўлди – 10 қоп ёнғоқ олдим, холос. Айримларга 10 гектар теккан, улар давлатга кўпроқ топширади”, дейди у.

Халқимизда ёнғоқ тагида ётма, хушингдан айрилсан, ёнғоқ кислород ютиб, карбонат ангидрид чиқаради, деган ёлғон маълумот юради. Аслида эса ундай эмас. 3 соатдан кўпроқ ёнғоқ ўрмонида кезиб ҳеч бир нохушлик сезмадик. Аксинча, тоза ҳаводан нафас олиб, тетик юрдик.

**Давронбек ТОЖИАЛИЕВ**



Арслонбобнинг табиати жуда бой ва ранг-баранглиги учун яшиллик ҳали ҳам кетмаган. Қишлоқда табиий ёнғоқзор, пистазор, олмазор, бодомзор ва олчазорлар кўп. 1945 йилдан Арслонбоб ва унинг атрофидаги ерлар давлат кўриқхонаси ҳисобланади. Кўпгина хонадонларда кўй, қорамол, парранда, асалари боқилади.

Турбазада нонушта қилиб, ҳайдовчимиз Нурбек билан Арслонбоб ёнғоқзорларининг бошланишида ташкил этилган Панорама дам олиш ҳудудига бордик. Ўрмонга яқинлашарканмиз, дарахтлар сояси остида ҳарорат кескин ўзгарди. Ҳаво айни сайрбоп. Атрофда ўрмонда ўтлаб юрган отлар завқимизга завқ қўшади. Бу манзарага қария темир отнинг ойнасиз кузовидан термулиб кетиш – алоҳида экзотика.

Қуюқ ўрмон ичидаги дам олиш ҳудудига борганимизда 8 тача машина бор эди. Дам олувчилар учун арғимчоқлар ўрнатилган, сўрилар, овқат қилиш учун жойлар, кўчма дўконлар мавжуд. Энг



# Бўка тумани “Йўллардан фойдаланиш корхонаси” давлат муассасаси

ғурур ва фахр тимсоли —  
мамлакатимиз мустақиллигининг

## 32 йиллик

шодиёнаси билан қутлайди.  
Эзгулик, яхшилик доимо  
хамроҳингизга айлансин.

**Йўлингиз равон, ҳаётингиз фаровон бўлсин,  
азиз юртдошлар!**

## ОМАДСИЗЛИКДАН ОМАДГАЧА



**Жек Манинг қуйидаги Хитой нашрларида эълон қилинган ҳикоясида ҳаётдаги имкониятлар ва улар учун кураш, мақсад ва ҳаракатни пучга чиқарувчи омиллар ва 35 ёшда ҳам ночор яшаш инсоннинг фақат ўзини айби эканлиги ҳақида фикр юритилади:**

— “Alibaba” компаниясига асос солишимдан бир муддат аввал тадбиркорлик билан шуғулланиш режаларимни ўртоқлашиш ва муҳокама қилиш учун 24 нафар ўзимга яқин дўстларимни уйимга таклиф қилдим. Биз 2 соат мобайнида мендаги режалар ҳақида гаплашдик. Шунда ҳам, дўстларимнинг аксарияти менинг гояларимга шубҳа билан қарашётган эдилар. 24 нафар мехмонлардан 23 таси хайрлашаётди, менга бу режалардан воз кечишим кераклигини таъкидлашди. Бунинг сабабини эса интернет ҳақида ҳеч нима билмаслигим, бунинг учун қўлимда ортиқча сармоя йўқлиги билан изоҳлашди.

Улардан фарқли равишда банкда ишлайдиган биргина дўстим менга: “Чиндан ҳам бу ишни қилгинг келаётган бўлса, бунга уриниб кўр. Ишлар ўхшамаса, яна бугунгидек амал-

лаб кунингни кўрарсан”, деди. Тун бўйи ўзим билан ўзим тортишиб, тонгга яқин қарор қабул қилдим ва ўша кунгидек ишга киришдим.

“Alibaba” савдо платформа-сини яратишга киришар эканман, оила аъзоларим ва дўстларимнинг жиддий қаршилигига дуч келдим. Бугун ортга қарасам шуни англайманки, мени ўша кезде олға бошлаган куч интернетнинг истиқболига бўлган ишонч эмас экан. Мен мағлуб бўлсам ҳам, омадим чопса ҳам, мақсадим йўлидаги ҳаракатларимдан ҳеч бўлмаганда қимматли тажриба ва хулоса олиш учун тақдиримни ўзгартиришга уриниб кўрган эканман. Ҳаракат қилиш керак. Агар ўхшамаса, яна одатдагидай умр кечиришда давом этиш мумкин.

Мен доимо Т.Э. Лоуренснинг “Орзу қилиш ҳаммининг ҳам қўлидан келади. Аммо ҳар ким

ҳар хил орзу қилади: кимдир қоронғу тун қўйнида уйқусираб орзу қилиб, тонгга бунинг хом-хаёл эканини ўйлаб уйғонса, ўз орзуларини кундуз кидирган уйғоқ онгли одамлар мақсадларига эришадилар”, деган фикрини мисол тариқасида келтираман.

Жек Манинг айтишича, инсонлар қуйидаги тўрт омил сабаб ҳаётда муваффақиятсизликка учрайдилар:

- Имкониятларни кўра олмаслик;
- имкониятларга баҳо бера олмаслик;
- ўз мақсадларини англамаслик;
- осонлик билан ён бериш.

“Сиз аниқ мақсадингиз йўқлиги учун ҳам хануз камбағалсиз. Мақсад – ҳаётда муваффақиятлар билан яшашнинг асоси. Шу боис ҳам уни англаш умрнинг энг аҳамиятли ютуғи. Тўғри, дунёда ақл бовар қилмайдиган нарсалар бор, бироқ бу дунёда имконсиз нарсанинг ўзи йўқ. Ўар кимнинг истиқболи ундаги мақсаднинг кўлами билан ўлчанади”, – дейди Жек.

**Илёс ҚАЮМОВ тайёрлади.**



# “У КУНЛАР ЭРТАК БЎЛИБ ҚОЛСИН!”



(Боши 1-саҳифада)

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йилнинг 17 август куни “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервьюсида таъкидланганидек: “Холбуки, собиқ мустабид тузум даврида “тепа”дан буйруқ бўлмаса, бир қадам босишга ҳам ҳаққимиз йўқ эди. Аҳвол шу даражага етиб борган эдики, уйимизнинг томигача пахта экдик, лекин косамиз оқармади. Мактаб болаларини ҳам пахтага ҳайдадик. Севимли шoirимиз Абдулла Орипов ўз даврида чуқур дард ва изтироб билан “Миллион эгатларга сочилган ўзбек”, деб ёзганидек, шунча йил эгилиб пахта тердик”.

Яқин ўтмишда бошимиздан кечирган ана шундай машъум кунларни эслар эканмиз, бугунги эркин ва озод ҳаётимизни асраш, унинг қадрига етиш, ҳозирги ўта нотинч ва таҳликали замонда доимо хушёр, огоҳ ва сергак бўлиб яшаш зарурлигини янада чуқур англашимиз даркор.

Шу ўринда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йилнинг 22 ноябрь куни Тошкент вилояти сайловчилар билан учрашувдаги нутқига мурожаат этамиз: “Азиз дўстлар, мен мана шу маърузага тайёргарлик кўриш жараёнида айни шу масалага алоқадор қизиқ бир ҳужжатга дуч келдим. Рухсатингиз билан, бугун уни сизларнинг эътиборингизга ҳавола этмоқчиман. Мана, эшитинг, бу ҳужжатда нима деб ёзилган: «200 грамм макарон маҳсулоти, ярим литр ўсимлик мойи, 800 грамм гуруч, 5 дона тухум, 100 грамм куруқ чой, 100 грамм мол ёғи». Мана, ҳозир залга қараб туриб, мен кўпчиликнинг, айниқса, ёшларимизнинг ҳайрон бўлиб турганини кузатяпман. Фақатгина ёши улуғ одамлар ниманидир тушунгандек бўляпти, бу ғалати рўйхат уларга ниманидир эслатяпти. Бу – 90-йилларнинг бошида аҳоли жон бошига махсус талон билан ойда бир марта бериладиган энг зарур озиқ-овқат маҳсулотларининг рўйхати. Яъни, бир ойда бир одам фақат шунча озиқ-овқат олиш ҳуқуқига эга эди! Мен ўша йиллари Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек тумани ҳокими бўлиб иш бошлаган эдим. Мана шу маҳсулотларни ундириб топиб келиш, уни аҳолига талон

билан тарқатб бериш қандай катта муаммо бўлганини бугун ҳам жуда яхши эслайман. Фарзандларимиз, ёшларимиз учун бу воқеалар гўё эртак бўлиб туюлиши мумкин. Майли, у кунлар эртак бўлиб қолсин, лекин собиқ тузумдан бизга қандай аянчли мерос қолганини, қандай қийинчиликларни бошимиздан кечириб, бугунги тинч ва осойишта, тўкин-сочин кунларга етиб келганимизни гоҳ-гоҳ эслаб турсак, ўйлайманки, фойдадан холи бўлмайди”.

Ўзбек халқи совет жамиятидан рўшнолик кўрмади. Бундай хулосага келишда Россия фанлар Академиясининг академиги А.Н. Яковлевнинг қуйидаги фикрига юзланамиз: “Айтайлик, Ўзбекистон тараққиётидаги социалистик давр халқнинг моддий ҳаётига нимадир қўшган бўлса бордир, лекин бу инсоний муносабатларнинг ахлоқий жиҳатдан ривожланишини мутлақо англамайди. Чунки собиқ иттифоқда социалистик тузум амал қилган эмас, балки лагерлар, катагонлар, сургун ва қамоқхоналардан иборат бўлган феодализм ҳукм сурган эди”.

“Қабоҳат салтанати” китоби билан танишар эканмиз, унда келтирилишича, 1917–1929 йилги фуқаролар урушида 15 миллион киши, 1929–1933 йилги очлик даврида 8 миллион киши, 1933–1939 йилдаги катагонларда 16 миллион, 1945–1954 йиллардаги сургунлар ва очликдан 4 миллион киши қурбон бўлган. Хулоса қилиб айтганда, Совет тузumi айни ана шу йилларда ўз аҳолисининг учдан бир қисмини – етмиш миллиондан зиёдини атайлаб йўқотган. «Босмачилик» номи билан «миллий озодлик ҳаракати»га қўшилганлардан 16 йил давомида 1 миллион 200 минг ўзбек қурбон бўлди. Бир ярим миллион мусулмон худосизлар жамияти билан келишолмай хорижга чиқиб кетди.

1 миллион 700 минг киши “босмачилик ҳаракати”ни қўллаб-қувватлаганликда айбланиб, Сибирга сургун қилинди”.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон чор ҳукумати даврида қандай бўлса ўшандай стратегия майдонига айлантирилди. Аниқроғи, СССРнинг пахта мустақиллиги сиёсати Ўзбекистон орқали амалга оширилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг пахтадан бошқа ҳамма соҳалари қисқартириб юборилди. Ўзбекистон иқтисоди катта

пахта пайкаллари айлантирилган иқтисодиётдан иборат бўлиб, ўзбеклар фақат пахта етиштирувчи деҳқонларга айлантирилди. Саноат, транспорт, алоқа тармоқлари энг қуйи кўсаткичларда амалга оширилди. Ижтимоий соҳа, фан, таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш иттифоқ кўрсаткичларидан энг паст даражада ташкил этилган. Экологик муаммолар аста-секинлик билан чуқурлашиб бориб охир-оқибатда бутун инсоният фожиасига айлантирилди.

Хўш, юқоридаги бундай ишлар 30-йиллардаги катагонларни эслатаймиди? Бу ҳақиқатнинг разилона бузилиши, тергов маъносининг ва бутун адолат ишининг таҳқирланиши эмасми? Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислам Каримов: Биз “пахта иши” деганда, унинг мудҳиш оқибатлари ҳақида гапирганда, аввало, ана шундай минг-минглаб оддий, бегуноҳ одамларни, уларнинг бошига тушган фожиаларни тушунамиз ва сунъий равишда ўйлаб топилган бу кампанияни халқимизга, юртимизга нисбатан олиб борилган оммавий катагоннинг бир кўриниши деб баҳолаймиз”, деб таъкидлаган эдилар.

“Ўзбеклар иши”, “Пахта иши...”. Булар – совет одил судловидаги қора доғлар бўлиб, бутун мамлакат маънавий ҳаётига жуда катта зарар етказди. СССР прокуратурасининг Гдлян бошлиқ терговчилар гуруҳи номи билан боғлиқ бу “ишлар атайин тўқиб чиқарилгани эндиликда кўпчиликка маълум. Хўш, “Гдлянчилик” ҳаракатининг манбалари қаерда? Нима сабабдан бу терговчилар бир неча йил давомида бебошлик қилдилар. Уларни кимлар қўллаб-қувватламоқда, нима учун?

Ҳар бир хатти-ҳаракатнинг, ҳар бир хулқ-атворнинг ҳам ўз сабаблари бўлади. Гдлянчилар гуруҳи амалга оширган оммавий катагонлар ҳам шунчаки бебаб бўлмаса керак. Бизнингча, уларнинг ҳам ўз изоҳи бор. Кўп ҳолларда одамларни қонунсиз равишда ушлаб келтириш ва ҳибсга олиш сингари ярамас усуллар ёрдамида терговчилар ўз қўлларидаги ишлар учун керакли бўлган маълумотларни тўплашга уринганлар. Бегуноҳ кишиларни ёлғон гувоҳлик беришга мажбур қилганлар. Шу тариха сунъий равишда жуда кўп сохта далиллар “асоси” вужудга келтирилган. Бу – юзлаб беайб ки-

шиларга нисбатан даҳшатли руҳий ва жисмоний тазйиқ ўтказиш эди. Бундай усулнинг қўлланиши натижасида худди ўтган асрнинг 30-йиллардаги сингари ота-оналар ўз болаларининг “айбини очиш”га, болалар эса ўз ота-оналарини “фош қилиш”га мажбур этилдилар. Манфур ва олчок гдлянчилар бу ишларнинг барчасини мажбурий гувоҳлик беришга қарши қонулар, ман этувчи қоидаларнинг ҳаммасини оёқ ости қилган ҳолда амалга оширилди.

Собиқ иттифоқдош республикаларнинг барчасидаги Жиноят-процессуал кодексларида сўроқ қилаётган ёки дастлабки тергов олиб бораётган шахс томонидан дўқ қилиш, кўра била туриб олдиндан ёлғон маълумот беришга мажбур қилинар эди. Мана, сизга гдлянчилар терговининг “холис”лиги. Бу маълумотлар, албатта Гдлян ва унинг химоячиларининг дод-войига, дўқ-пўписаларига асло тўғри келмайди. Гдлянчилик билан бери-ячилик ўртасида бир-бирига ўхшаб кетадиган жиҳатлар анчагина топилади.

Гдлянчилар гуруҳи Ўзбекистонда “ҳамма пора олади ва ҳамма пора беради”, деб ҳисоблар эди. Улар айни шу фикрдан келиб чиқиб, ҳар бир одамга ахборот манбаи деб қарашар ва ҳар қандай йўллар билан бўлса ҳам ундан ўша ахборотни суғуриб олишга ҳаракат қилишар эди. Айбсиз фуқароларни кўплаб ушлаб келтириш ва ҳибсга олиш усули ҳам худди мана шундай назария асосида қурилган эди. Улар тахминан қуйидаги қоида асосида ишлар эди: “Кўлингиздаги терговчилик шамширини ўнгга ҳам, чапга ҳам сермаб боравер, охири кимгадир тегади. Бу ерда ҳамма жиноятчи, шунинг учун сенинг хатти-ҳаракатларинг барибир тўғри бўлиб чиқади ва оқланади”. Улар шу даражадаги тубанликка етиб боришган эдики, натижада бутун бир халқни жиноятчи деб эълон қилдилар.

Нотўғри маълумот олиш мақсадида одамларнинг қонунсиз озодликдан маҳрум қилинишини, биз кишилар устидан қилинган зўравонлик ва ҳақорат деб баҳоладик. Ахир беайб одамларни ойлаб, йиллаб авахтага ташлаб қўйишдан ҳам ортиқроқ ҳақорат, бундан ҳам таҳқирлироқ зулм бўлиши мумкинми? Бунинг устига қамалган кишилар эртасига уларни нималар кутаётганини мутлақо билишмас эди. Улар доимий





равишда кўрқитиб, дўқ-пўписалар билан ваҳимага солиниб сўроқ қилинар эди. Уларни ўз яқин кишилари ва қариндош уруғлари тақдири учун ҳам изтироб чекишга мажбур қилишарди.

Тергов олиб боришнинг ваҳшиёна усуллари ашаддий тус олиб борар эди. Масалан, бирор кишини ё пора олишда ёки пора беришда айблаб қамокқа олишар, у эса ўз айбини бўйнига олмас, ёлғон маълумот беришни сира истамас эди. Шундай вақтларда унга ўз ўжарлиги билан оиласини, бутун қариндош-уруғларининг ҳаётини хавф остида қолдираётганлигини эслатиб туришарди. Ҳибсга олинган киши чурқ этмай, ёлғон гапирмай туришда давом этавергач, терговчилар дўқ-пўписадан амалий ишга ўтишарди. Турма камераларида ҳибсга олинган кишининг энг яқин қариндош уруғлари пайдо бўлар эди. Баъзан болаларни ота-оналари ётган камерага қўшни бўлган хоналарга жойлаштиришарди. Улар бир-бирларининг изтиробини сезиб туришлари учун атайин шундай йўл тутилди эди. Бу орқали шафқатсиз жаллодлар ота-оналик ва қариндош-уруғчилик ҳис-туйғуларидан ҳам ўз мақсадлари йўлида фойдаланар эдилар.

Терговда ҳеч қандай маълумот бермайдиган камгап кишиларга уларни қамокқа олиш тўғрисидаги хужжатларни кўрсатишарди. Хотин, бола-чақаларини прокуратурага, Давлат хавфсизлик қўмитасига, милицияга қандай олиб келинганлиги суратга туширилган видеоёзувларни намойиш қилиб кўрсатардилар.

Гап орасида уларни соқчилар олиб келишаётганини айтиб қўйишарди. Кейин эса гўё тасодифан шундай бўлгандек, тасаввур пайдо қилиб, турма йўлагидан ота билан ўғилни, тергов изоляторлари кабинетларида она билан қизни атайин учраштириб қўйишарди. Ва яна ўз айбини бўйнига олмай турган кишига бундай мурожаат қилишарди: “Мана, кўраяпсанми, сен айбни бўйнингга олишни хохламаяпсан ва биз сенинг болаларингни, хотинингни қамаб қўйишга мажбур бўлмоқдамиз. Сен уларнинг қадрига етмас экансан, агар уларни яхши кўрганганда бу ерларда азоб чекиб ётишларига йўл қўймаган бўлар эдинг. Тилга кириб гапирсанг, айбларингни бўйнингга олсанг, биз уларни қўйиб юборамиз ва улар яна озод-

ликка чиқадилар”.

Ҳатто ҳомиладор аёл ўзида жиноий йўллар билан тўпланган ҳеч қандай бойлик сақланмаётганини айтганида терговчилар унга дўқ қилиб “... у холда сени ҳозир турмага олиб кетадилар, сен болангни ўша ерда тугасан” деб уни кўрқитганлар. Қабиҳликни қарангки, аёлга нисбатан терговчи куракда турмайдиган сўзлар билан бундай деган: “Агар фалончига қарши гувоҳлик беришга рози бўлмасанг, қизларингни зўрлаймиз...”.

Ана шундай бедаволиклар, манмансирашлар, миллатни хўрлаш, таҳқирлаш Гдлян ва Ивановдан иборат “иккилик”нинг иш усулига, мақсад ва муддаосига айланган эди.

Табиийки, шундан кейин кўпчилик кишилар бу хилдаги қийноқларга бардош бера олмасдан ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам тухмат ва бўҳтонга кўмар эдилар. Ўз болалари ва бошқа яқин қариндош-уруғларининг тақдирини ўйлаб, ёлғон гапиршга мажбур бўлардилар.

Шу воқеаларни кўриб туриб, беихтиёр 1930 йиллардаги қатағон тафсилотлари ёдга тушади. Афтидан, тарих такрорланаётган кўринади. Ўзбекистондаги айбсиз кишилар охири оқланади, лекин уларнинг ҳар бири 3 ойдан 5 ойгача қамокда ўтириб чиқади. Улардан порахўрлик учун жиноий жавобгарликка тортилган кишиларга таъсир кўрсатиш учун фойдаланадилар”.

Гдлян гуруҳида иш олиб борган қонхўр терговчилардан бири Карташяннинг “Ўзбекистонни тиконли сим билан ўраб, минора тепасига соқчи қўйиш керак, чунки бу ердагиларнинг ҳаммаси ўғри ва порахўр”, деган гаплари 1990 йил 30 январдаги “Сельская правда” газетасидаги «Народ должен знать правду» мақоласида айтилган. Бу “десантчилар” учун исбот талаб қилинмайдиган аксиомага айланган эди.

Мустақиллик арафасида мамлакат, мажозий қилиб айтганда, ҳаддан ташқари авж олган жиноятчилик зулматига ботиб қолган эди. Ўзбекистон шахарларининг кўчаларида кўрқув ҳукмронлик қиларди: нафақат кечаси, балки куппа-кундузи ҳам одамлар тунаб кетиларди. Ўзбекистонда 80-йиллардаги энг даҳшатли ҳол ижтимоий тизимнинг барбод бўлиши эмас, балки одамларнинг эртанги кунга бўлган умид-ишончининг пучга чиқиши эди.

Жиноятчилар жазоланмасди. Автоматиналар кундузи ҳам ўғирлаб кетилар, зўравонликнинг чеки йўқ эди. Инсон ҳуқуқлари билан ҳеч қим ҳисоблашишмасди ҳам.

Таъкидлаш ўринлики, кўпчилик «десантчилар» деганда Гдлян ва Ивановларга кўп урғу беришади. Бундай ёндашув кўпчиликни чалғитади. Ўша даврда “400дан ошиқ киши – Россия-Украина ва бошқа республикалардан йиғилган Москва десанти Ўзбекистонга партия таш-

килотини мустақамлаш учун юборилган эди”. Бундан ташқари, «Қайта қуриш» баҳонасида бу сиёсат давом эттирилди. Тошкент шаҳрининг десантчи, “фирқавий» ҳокими Сатин беш йил ичида 384 минг европаликлик аҳолини Тошкентга олиб келиб жойлаштирди. Ўша йиллари (1983–1988) Москвадан юртимизга 300 га яқин махсус таълим берилган раҳбар ва раҳбарчалар юборилди. Бу ҳақда Москва матбуоти Ўзбекистонга виждон олиб борилди, деб ёзди. Аслида эса улар бориб турган шовинистлар, типик мустамлакачилар эди.

Қайд этиш лозимки, “Марказ” раҳбарияти Ўзбекистондаги “вакиллари” мафкуравий кўллаб-қувватлаш мақсадида республикага Анишчев, Огарок, Ефимовларни юборади. “Марказ” Гдлян ва Иванов бошчилигидаги “десантчилар” Ўзбекистонда аксарият ноқонуний фаолият билан машғул бўлишини аввалбошданок тушуниб етган ва буни англаган холда нафақат республика куч ишлатувчи тузилмаларига ҳам ўз вакиллари қонунбузарликларни “қонунлаштириш” мақсадида юборишни фаоллаштирган эди.

Иттифоқ бош прокурори ўз мавқеини бериб қўйган Ўзбекистоннинг биринчи раҳбарларидан сўрамасдан республика прокурорини тайинлашдек худбин тажрибани йўлга қўйган эди.

Марказдан келган “адолат побонлари”нинг вазифалари босар-турсарини билмаган, золим Гдлян ва Ивановнинг қилмишларини яширишга эмас, балки уларга хохлаган ишларини бажариши учун барча шарт-шароит яратиб беришдан иборат бўлган.

Мамлакатда қонунийлик ва адолатни тиклаш, суд-ҳуқуқ ислохотлари борасида Ислон Каримов саъй-ҳаракати билан амалга оширилган ишлар натижасида 1991 йил март ойининг охирига келиб, Сталин қатағонига учраган кишилардан 3500 таси, “пахта иши” туфайли судланганларнинг 2000 нафари оқланди. Наврўз байрами арафасида минг киши афв этилди.

Дарҳақиқат, 1983–1991 йиллар мобайнида рухий озор, ижтимоий адолатсизлик ва қонунбузарлик қурбони бўлган халқ қалбига нур, кўзига зиё бахш этадиган, унинг руҳиятига мадад бўладиган, шикаста ва топталган ориятини тиклайдиган

вазиятни яратиш осон иш эмас. Саббаби, “десантчилар”нинг Ўзбекистондаги қарийб 6 йиллик фаолияти мамлакатни хонавайрон қилди, одамлар бойлигини талон-торож қилди, одамлар қалбига кўрқув солинди, халқнинг эркин меҳнат қилишига бўлган рағбати сўндирилди.

Беаёв ва шафқатсиз бедодликларни кўриб турган халқимиз бутунлай умидсизликка тушди. Жамиятда на партияга, на сиёсатга, на давлат ва унинг йўлбошчиларига ишонч қолди. Ҳадик ва кўрқув гирдобига тушган одамларимизда яратувчанлик бунёдкорликка интилиш қарийб йўққа чиқарилди. Яшашга рағбат ҳам шунчаки «кун кўриш»га айланди. Ҳаётга бефарқ қараш лоқайдлик аксарият кўпчиликнинг яшаш тарзига айланган эди. «Совет кишиси» ўз соясидан чўчиб яшайдиган бўлиб қолди. Бундан ташқари, иқтисодиётда узилишлар юз бериши кучайди. Халқнинг таъминоти амал тақал қилиб қондирилди. Ўша даврдаги кескин ўзгаришлар муаммоларни келтириб чиқарди ва аҳолининг қашшоқлашувига олиб келган эди.

1991 йилнинг охирига келиб «пахта иши» билан судланганларнинг асосий қисми оқланди, қолганлари эса афв этилди. Маълумки, 1937–1953 йилларда собиқ СССР худудида мудҳиш оммавий сиёсий қатағонлар амалга оширилган эди. Унинг салбий оқибатларини ўзимизга тасаввур этиш учун биргина Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланганлигини эслаш кифоя.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев мунтазам равишда тарихимиздаги оғриқли даврлардан ҳам хулоса чиқариб яшашимиз кераклигига, эртага бизнинг ўрнимизга келадиган ёшлар ана шу тарих ҳақиқати билан қуролланиши лозимлигига ундамоқда. Чунки ҳеч бир соҳада ҳеч қимдан кам бўлмайдиган авлодгина буюк давлат барпо этиши мумкин. Нега деганда, буюк давлатни қуриш учун маърифатли, тарихни биладиган, ундан сабоқ чиқара оладиган одамлар керак. Авваламбор, Ватанини жонидан азиз кўрган улуғ аждодларимизнинг бизга қолдирган насиҳатларини юрагимизга, қон-қонимизга, суяк-суягимизга мустақам жо қилишимиз лозим ва фарзандларимизни ҳам шу руҳда тарбиялашимиз даркор.

Зеро, халқимиз бугун – ғойибдан келмаган давлат мустақиллигининг 32 йиллигини нишонлаш арафасида. Ушбу кунларда 1980 йилларнинг этни жунжиктирадиган рухий-маънавий озурдаликларини, юракларни зардобга тўлдирган пайтларни аччиқизтироблари, ўша аёзликларини эсламаслиги мумкин эмас. Шунингдек, ўтган асрнинг 80-йиллар воқеаларининг таҳлили ҳар биримизнинг шаънимиз, ориятимиз, нафсониятимиз ва кадр-қимматимиз билан боғлиқ бўлган тилимизни, муқаддас динимизни, эътиқодимизни, энг олий инсоний қадриятларимизни тиклаган азиз, буюк неъмат, халқимизга тенги йўқ, энг улуғ ҳуқуқни берган мустақилликка осонгина эришмаганлигимизни кўрсатади.

**Шариф ҚОБИЛОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
ИИВ Академияси профессори, полковник.



## Ширин шаҳар ҲОКИМЛИГИ

**барча юрtdошларимизни  
Мустақиллигимизнинг  
32 йиллик  
байрами билан самимий  
муборакбод этади.  
Байрамингиз қутлуғ бўлсин,  
азиз дўстлар, қадрли ҳамшаҳарлар!  
Шаҳримиз янада гуллаб яшнасин,  
мамлакатимиздаги  
Энг гўзал ва обод масканга айлансин.  
Юртимиз тинч, осойишта, осмонимиз  
доимо мусаффо бўлсин.**

### ШИРИН МАДҲИ

*Юрагингдан нур бергайсан оламга,  
Меҳр тафти куч бўлгайдир одамга,  
Оҳангдошсан ўзинг нурли оҳангга,  
Юксалавер, гўзал шаҳар, бор бўлгин,  
Чин алпларга, Фарҳодларга ёр бўлгин.*

*Букун янги сарҳадларга йўл очдинг,  
Бунёдкору Фарҳодларга йўл очдинг,  
Юртим деган чин зотларга йўл очдинг,  
Афсоналар ҳақиқатга айланди,  
Мардлар янги марраларга шайланди.*

*Сенда кўрдим жаннатий бир бўстонни,  
Фарҳод-Ширин аталмиш зўр достонни,  
Ёритгайсан Янги Ўзбекистонни,  
Қалби ёруғ ҳамишалик озод бўл,  
Гўзал шаҳрим, юксалавер, обод бўл!*

Ашурали БОЙМУРОД





# КЎРКАМ, ОБОД МАСКАНИМ МАНИМ

**Президентимиз ташаббуси билан тадбиркорлар иштирокида ўтказилган очик мулоқот ўзига хос тарихий воқеага айланди. Давлат раҳбарининг тадбиркорлар билан юзма-юз, очик ва ошкора суҳбат қургани юртимиздаги минглаб тадбиркору ишбилармонларга куч-қувват бағишлади, янги мотивацияларни яратди.**

Эркин Саидовнинг номи нафақат Бекобод туманида, балки Тошкент вилоятида ҳам кўпчиликка яхши таниш. Бу ажойиб инсон ички ишлар органларида, турли раҳбарлик лавозимларида самарали меҳнат қилиб обрў-эътибор қозонди, эл қорига яради. Аммо нафақага чиққанидан кейин ҳам кўл қовуштириб ўтирмади. Мамлакатимизда тадбиркорликка катта эътибор қаратилаётган бир пайтда ўзи яшаётган ҳудудда, кадрдон маҳалласида ниманидир ўзгартиришга, ободончиликка кўл урди. Маълумки, давлатимиз раҳбарининг кўрсатмаларига биноан мамлакатимизда ички туризмни янада ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётган. Бунинг учун аввало жойларда зарур шарт-шароитларни яратиш, меҳмонхоналар бунёд этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Бундан чуккур ҳис этган Эркин Саидов Бекобод туманидаги Зафар шаҳарчаси Бўстон МФЙ ҳудудида чиқиндихонага айланиб, ташландиқ ҳолатга келиб қолган жойни обод қилишга энг шимариб киришди.

Тиришқоқлик ва изланувчанлик қобилиятига эга бўлган Эркин ака бугунги кун талабидан келиб чиқиб айнан шу жойнинг ўзида меҳмонхона барпо этиш ташаббуси билан чиқди. Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси Тошкент вилояти туризмни ривожлантириш департаменти бу ташаббусни қўллаб-қувватлади ва ўз тавсияси билан “SAIDJON-HOTEL” масъулияти чекланган жамиятига меҳмонхона куриш учун рухсат берилди. Тезда курилиш-бунёдкорлик ишлари авж олдирилди. Умуман Бекобод тумани марказида ҳалигача бундай мажмуа мавжуд эмас эди. Бу эса Эркин Саидов корхонаси учун жуда кўл келди.

Тадбиркорнинг бевосита ташаббуси, мутасаддиларнинг қўллаб-қувватлаши натижасида маҳалланинг ушбу ҳудудида кенг қамровли ишлар бошланиб кетди. Туманга ташриф

буюрадиган меҳмонлар учун ўзига хос ажойиб меҳмонхона мажмуаси фойдаланишга топширилди. Қулай шарт-шароитлар ва инфратузилма яратилди. Меҳмонхонанинг атрофи ободонлаштирилиб, хушманзара боғ, арчазор барпо қилинди, теварак-атроф кўкаламзорлаштирилди. Келиб-кетувчиларнинг баҳри дили очиладиган, мириқиб ҳордиқ чиқарадиган маскан бунёдга келтирилди. Мажмуанинг фойдаланишга топширилиши натижасида ўндан ортиқ маҳалла аҳли иш билан таъминланди.

Маҳалла ҳудудида “SAIDJON-HOTEL” мажмуасининг барпо этилиши нафақат маҳалла аҳлини, қолаверса туман меҳнатқашларини ҳам беҳад қувонтирди. Мажмуа ишга тушиши билан биринчидан, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш салмоғи ортган бўлса, иккинчидан маҳалла ҳудуди гўзал ва обод маскан билан бойиди, маҳалла фуқаролари иш билан таъминланди.

Меҳмонхонанинг ҳудудига қадам қўяр экансиз, чинданда ҳар бир жиҳознинг дид билан жойлаштирилганлигига гувоҳ бўласиз. Хоналар тоза ва озода, дам олиш хоналари, кутиш зали, ошхона ва ювиниш хоналари замонавий мебеллар, зарур воситалар билан жиҳозланган. Деворларга дид билан ишлов берилган. Меҳмонхона олд томонидаги йўлакчалар ранго-ранг дарахтлар ва арчаларга бурканган, чиройли ўриндиклар ўрнатилган. Бир сўз билан айтганда, бу мажмуа Тошкент вилоятида ўзига хос, ягона мажмуалардан бири дейишимизга тўла асос бор.

Мажмуада меҳмонхона хизматидан ташқари озиқ-овқат ва хўжалик моллари дўкони мунтазам ишлаб турибди. Ментал арифметика ва бошқа фанларни чуқурлаштириб ўргатадиган ўқув маркази ташкил қилинган. Ушбу марказга мутахассислар жалб этилиб, туманнинг турли ҳудудларидан ўқувчиларнинг келиб-кегиши таъминланмоқда.



— Режаларимиз янада катта, дейди мамнуният билан Эркин Саидов. — Мажмуамизни кундан-кунга кенгайтириб бораёмиз. Ҳозирда 32 хонадонга мўлжалланган 5 қаватли турар жой биноси курилишини бошлаб юбордик. Ана шу хонадонларнинг иккитаси кам таъминланган оилаларга берилади. Айни дамда ўндан ортиқ маҳалла фуқаролари янги иш ўринларига эга бўлишди.

Эркин Саидов кўпчилик ҳавас билан қарайдиган оила соҳиби. Тошкент ва Сирдарё вилоятининг бир қатор туманларида, ИИВда раҳбарлик лавозимларида ишлаган бу инсон турмуш ўртоғи Ойдин опа билан биргаликда 4 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказишди. Эркин ака 14 нафар набиранинг суюкли бобоси. Фарзандлари ота изидан бориб, эл-юрт хизмати йўлида муносиб меҳнат қилишяпти.

Айтиш жоизки, тадбиркор қўли очик, сахий инсон. Маҳалладошларидан асло ёрдамни аяган эмас. Имкон қадар кам таъминланган оилаларга, доимий рўйхатда турувчи фуқароларга ҳамisha моддий-маънавий кўмакдош бўлиб келяпти.

Дарвоқе, тадбиркорнинг шашти баланд. Унинг қонида яратувчанлик, бунёдкорлик, жўшқинлик ҳисси қайнаб турибди. Президентимиз тадбиркор ва ишбилармонларни қўллаб-қувватлаб, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатаётган бир пайтда Эркин Саидовга ўхшаш жонқуяр ва фидойий инсонлар жуда-жуда зарур. Зотан, Янги Ўзбекистонимизнинг гуллаб яшнаши ва янада ривожланишида тадбиркорнинг ўрни ва ҳиссаси бекиёс бўлиб бораверади.

**А. БОЙМУРОДОВ**

**ЖАМИЯТ**

**BONG.UZ**

**Муассислар:**

Ўзбекистон  
Республикаси  
Экология, атроф-  
муҳитни муҳофаза  
қилиш ва иқлим ўзгариши  
вазирлиги

Тадбиркорлар ва  
ишбилармонлар  
ҳаракати —  
Ўзбекистон  
Либерал-демократик  
партияси.

Ўзбекистон  
Нодавлат нотижорат  
ташкilotлари миллий  
ассоциацияси.

Ўзбекистон  
Савдо-саноат  
палатаси.

**Бош муҳаррир**  
**Максуд ЖОНИХОНОВ**

Газета тахририятнинг  
компьютер бўлимида  
саҳифаланди.  
“Шарқ” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:  
Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-810  
Адади: 1015.  
Пайшанба куни чиқади.  
Қоғоз бичими А-3,  
ҳажми 3 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нарҳда.  
Газета Ўзбекистон  
матбуот ва ахборот  
агентлигида  
2006 йил 0010-рақам билан  
рўйхатга олинган.

**ISSN 2010-7722**

Газетанинг полиграфик  
жихатдан сифатли чоп  
этилишига “Шарқ” нашриёт-  
матбаа акциядорлик  
компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри  
Матбуотчилар кўчаси 32.  
Маълумот учун телефонлар:  
99-791-43-23,  
99-994-70-52

Реклама ва эълонлар учун:  
Электрон почта:  
jamiyat@umail.uz  
Газета индекси — 131  
“ЖАМИЯТ”дан олинган  
маълумотларда манба  
сифатида газета номи  
кўрсатилиши шарт.  
Топширилган вақти:  
20:00

1 2 3 4 5 6





**“Олмалиқ  
кон-металлургия комбинати”  
акциядорлик жамияти  
ходимлари касаба уюшмаси Кенгаши**

*барча юрtdошларимизни  
энг улуг ва энг азиз айём —  
Ўзбекистон Республикаси  
давлат мустақиллигининг  
32 йиллик байрами  
билан муборакбод этади.  
Инсон қадри улуғланган  
юрtdа яшаши ва меҳнат қилиши  
завқи ҳаминша ҳамроҳингиз бўлсин,  
азиз ватандошлар!*

**Жонажон диёримиз гуллаб-яшнайверсин!**